



## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УЙҒУНЛИГИ УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

*Камалова Ш.*

*Мирзо Улугбек номидаги*

*Ўзбекистон Миллий университетининг  
“Тарих” факультети 2-босқич талабаси.*

**Таянч сўзлар:** ренессанс, мактаб, таълим, узлуксиз таълим, тарбия, , узлуксиз тарбия, ақл, ҳаёт, нажот, саодат, диёнатли, илм-фазилатли, комил, таълим бўйича қамров даражаси, сифатли таълим.

**Ключевые слова:** ренессанс, школа, образование, непрерывное образование, воспитание, непрерывное образование, интеллект, жизнь, спасение, блаженство, дионис, научно-добродетельный, совершенный, уровень образовательной инклюзивности, качественное образование.

**Key words:** renaissance, school, education, continuing education, upbringing, continuing Education, Intelligence, life, salvation, Bliss, Dionate, science-virtuous, perfect, educational inclusion level, quality education.

Мутахассислар прогнозича, 2030 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси сони 40 миллиондан ошаркан. 2040 йилга келиб эса 50 миллион кишига етади. Яъни мамлакат аҳолисининг 60 фоиздан ортиғини 29 ёшдан ошмаган ёшлар ташкил этувчи йирик давлатга айланмоқда. Бу улар учун муносиб шароитлар яратишни жадаллаштириш зарурлигини билдиради. Бу эса сифатли таълим-тарбия ва арзон тиббий хизмат, муносиб иш ўринлари, барқарор ривожланаётган иқтисодиёт, ижтимоий қафолатлар ва бошқаларда ўз аксини топтоқда.

Бугун, тезкор замонда ўқимасдан, саводхонликни оширмасдан, хусусан, ҳуқуқий саводхонликни оширмасдан туриб натижага, обрўга эришиш амри маҳол. Таълимга мамлакатимизда тараққиётнинг тамал тоши, давлатни давлат, миллатни миллат қиладиган ҳамда инсон капиталини шакллантирадиган асосий омил, деб қаралмоқда.

“Тарбия” тушунчасига нисбатан «шахсда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён» - деб, таъриф берадилар айрим олимларимиз.

Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний тарбияга эътиборсизликнинг оқибати нималарга олиб келиши ҳақида куюниб, «Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир», деб ёзиб қолдиради. Бундан ташқари, у “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” – деб, қатъий таъкидлаган .

Француз ёзувчиси Антуан Сент-Экзюпери эса, “Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказди”, деган ғояни илгари сурганлигини ўқидим.

Абу Наср Фаробий инсоннинг ақли-онги билан ахлоқига эътибор қаратиб, унинг фикрича тарбия – инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам етук, ҳам мукамал қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Абу Наср Фаробий таъкидлаганидек, инсоннинг ақлий ва ахлоқий томондан етук бўлиб шаклланишида тарбия билан таълим тенг равишда олиб борилиши лозим экан.

Ушбу мақолани ёзишда буюк аждодларимиз томонидан бугунги кунга қадар ардоқланиб, севиб мутолаа қилиб келинаётган “Панднома”, “Сиёсатнома”, “Қобуснома”, “Туркий “Гулистон” ёхуд ахлоқ”, “Калила ва Димна”, “Қобуснома”, “Қутадғу билиг” сингари асарларни ўқидим. Уларда ҳам ахлоқ, тарбия ва унга амал қилиш асослари келтирилган. Шу жиҳатдан, мазкур асарлар нодир асарлар сифатида ҳар бир тенгдошим қалбидан ўрин олиши тавсия этилади. Жадид бобомиз Абдурауф Фитрат “Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайди, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қиладилар” .

Мутафаккир ва авлиё, шеърят султони Алишер Навоий асарларида ҳам тарбия масаласи энг олдинги қаторларда турган. Унинг деярли барча асарлари тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга. Жумладан, «Хамса»да инсон камолотининг барча масалалари камраб олинган. Ундаги биринчи дoston “Ҳайратул аброр”да ўша давр учун долзарб ахлоқий, тарбиявий, ижтимоий-фалсафий фикрлар баён қилинган. Алишер Навоий ёш авлоднинг илм-хунар ўрганган ва энг яхши фазилатларга эга кишилар бўлишини орзу қилади.

“Бобурнома”да ёзилишича, Бобур ўз фарзандларининг таълим-тарбияси ҳақида ҳамиша ўйлаб, уларни ўқиш ва ўрганишга тарғиб қилган. Шунингдек,



“Мубаййин”да Комронга ёзган мактубида бундай дейди: “Фарзанди аршад ва аржуманди саодатнишон Муҳаммад Комрон Мирзо баҳодирга салом ми муҳаббат анжомидан сўнг улким, кўкалтош ва ичкиларинг била сабақ ўқурга ружуь келтуруб эрмишсен. Бу жиҳаттин кўнгулга сурур ва хотирга ҳузур етиб на бисёр хушҳоллик юз берди. Тангри таоло даргоҳидин умидим борким, жамиъи қобилият ва салоҳият бобида комил ва мукаммал бўлуб камолға етгайсен”. Яъни, Бобур фарзандларининг диёнатли, илм-фазилатли бўлиб ўсиши учун уларга китоб танлаб юбориш, уларнинг ўрганиши учун китоблар ёзишни оталик ва подшоҳлик бурчи деб ҳисоблаган, уларни ўқиш-ўрганишга тарғиб қилиб, хатоларини тўғрилашга чорлаган.

Адабиётшунос олим Абдурауф Фитрат “Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ” эканлиги ҳақида оғоҳлантирган.

Инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан бири. Бугун қайси соҳани олмайлик, етук кадрларни тарбияламасдан туриб, бирор натижага эришиб бўлмаслиги кундек ойдинлашмоқда.

Шу боис, юртимизда креатив фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш мақсадида таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас.

Ўтган қисқа даврда юртимизда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлашга катта куч ва маблағ йўналтирилди. Ёш авлод камолини кўзлаб соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишларнинг амалий рўёби, самараси эса барчамизнинг кўз ўнгимизда яққол намоён.

Бугун юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун ҳудудларда янгидан кўркем ва мухташам мактаблар бунёд этилгани, мавжудлари капитал таъмирдан чиқарилиб, тараққиёт асри талабларига ҳамоҳанг қулайлик ва шарт-шароитлар яратилгани, маърифат масканларининг моддий-техник базаси йилдан йилга мустаҳкамланиб, такомиллаштириб борилаётганига эътибор қаратиш ўринлидир.

Илгари ёшларнинг орзу-истаклари билан кўп ҳам қизиқилмаган. Таълим соҳаси эътибордан четда қолгани учун ёшлар мактабни тамомлаши билан олий ўқув юртида ўқишни давом эттириш ўрнига хорижга кетишга мажбур бўларди. Сабаби, квоталар кам, қабул имтиҳонларида турли муаммолар бор



эди. 2017-2023 йилларда мамлакатимиз таълим соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони билан тасдиқланган Тараққиёт стратегиясидаги узлуксиз таълим, илм-фан соҳаларига оид 37-51-мақсадлари ҳам муҳим дастурий асос бўлди. Бугунги кунга қадар давлатнинг ушбу мажбуриятлари ҳамда Тараққиёт стратегиясидаги ривожланиш мақсадларига мувофиқ бир қатор муҳим амалий ишлар, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилганини айтиш лозим. Алоҳида қайд этиш керакки, 7 та устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсадни ўз ичига қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида [9] ҳам, биринчи навбатда, Янги Ўзбекистоннинг тамал тоши ҳисобланган таълимни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини янада ривожлантириш, айниқса, барча йўналишларда инновацион фаолиятни кенг жорий этиш, илмий тадқиқотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсад-вазифалар ҳамда уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш бўйича аниқ марралар белгиланди.

Пировард мақсад ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратиш ҳисобланади. Шунингдек, узлуксиз таълимнинг яна бир муҳим босқичи – ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими ёшларнинг касб-корга эга бўлишида, ўзларининг ноёб қирралари юзага чиқишида муҳим роль ўйнамоқда. Бошланғич (касб-ҳунар мактаблари), ўрта (коллежлар) ҳамда ўрта махсус (техникумлар) босқичлардан иборат бўлган профессионал таълим олувчиларнинг ўзи танлаган касбга ва мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди. Бу эса мактаб таълими ва олий таълим ўртасида кўприк бўлиш билан бирга шахснинг ҳаётда ўз йўлини топишига хизмат қилади.

Узлуксиз таълимни олий таълимсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳақиқатан, қилинган ишлар узокни ўйлаган ҳолда аниқ мақсадга йўналтирилгани билан эътиборга лойиқ. Тараққиёт стратегиямизда белгиланган ишларнинг асосий қисмини амалга оширишга эришилгани ҳам қувонарли ҳолат.

Бу йил янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор устозларимиз – ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилгани бежиз эмас. Чунки жамият ҳаётида ўқитувчи-мураббийларимизнинг ўрни ва таъсири ошса – мактабнинг обрўси ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг қадри кўтари-



лади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.

Сўнгги йилларда давлатимизнинг адолатли ижтимоий сиёсати ва савий-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда кўплаб янги боғчалар, мактаб ва олийгоҳлар барпо этилмоқда. Таълим-тарбия ва илм-фан муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилмоқда.

Таълим-тарбия ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Охириги етти йилда мактабгача таълим бўйича қамров даражасини 27 фоиздан 72 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга, олийгоҳларимиз сонини 77 тадан 212 тага етказишга эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, энг муҳим ютуғимиздир.

Бинобарин, олий таълим билан қамров даражаси ортишига давлатнинг нафақат давлат таълим муассасаларига, шунингдек, нодавлат таълим муассасаларининг фаолиятига ҳам кўмаклашуви орқали эришилди, деб айтиш мумкин.

2023 йилнинг 19 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 78-сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларимиз ушбу нуфузли ташкилотнинг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га уйғун ва ҳаммоҳанг экани эътироф этилгани барчамизни албатта хурсанд қилади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, бошқа минтақаларнинг илғор тажриба ва ютуқларини ўрганишдан манфаатдоримиз, дея таъкидлар экан, ташкилот ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш таклифини илгари сурди. Унинг доирасида “Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби – 2030” дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини ҳам айтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи вазифаларида муҳим ва шарт деб ҳисоблаб, миллий тикланиш, иқтисодий юксалиш жараёнини бошлаш зарурлигини кун тартибига қўйди. Бу биз ёшларнинг қалбида акс-садо бериб, буюк мақсадлар сари руҳлантирди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари таълим ва фанни давлатнинг замонавий ривожланишининг асосий таянчларига айлантиришга чақирди. Бундай стратегик вазифани қўйиш, айниқса, замонавий даврда муҳимдир. Зеро, дунёнинг етакчи мамлакатлари “тўртинчи саноат инқилоби”ни бошлаб, био-



роботлар ва сунъий интеллектдан фойдаланяпти, “ақлли ишлаб чиқариш” ёки “инновацион иқтисодиёт”ни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

Энг муҳими, мамлакат раҳбарияти муаммони ҳал қилиш учун, биринчи навбатда, инсон капитали сифатини ошириш зарурлигини англашани намоеън этмоқда. Бугун Ўзбекистонда юқори сифатли инсон капиталини ошириш имконини берувчи соҳаларда кенг қўламли ислоҳотлар бошланди.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатига оид тизимли ишлар натижасида та-шаббускор, ислоҳотларни амалга ошириш ва жойлардаги муаммоларни ҳал этишга қодир ёш кадрлар захираси шакллантирилди. Ҳозир айнан шундай биз ёшларга ишонч билдирилиб, масъул лавозимларга тайинланмоқда.

Ёшларга оид бундай ислоҳотлар тўхтаб қолмайди, аксинча, биз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга янада кўпроқ имконият ва шароитлар яратиш борасида янгича ёндашувлар асосида кенг қўламли ислоҳотлар давом эттирилмоқда.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома – Тўйтепа. А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. -270-б.
2. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Тошкент: «Маънавият», 2-жилд, 1998.
3. <https://ziyouz.uz/hikmatlar/tafakkur-gulshani/maktab-u-ituvcchilar-va-u-uvchilar-tu-t/>
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993.
5. Абдурауф Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» 2-қисм // - Т.: «Маънавият». 2000. [www.ziyouz.com.Kutubxonasi](http://www.ziyouz.com.Kutubxonasi).
6. Ёрқин Ш. Бобур оиласида фарзанд тарбияси. <https://e-tarix.uz/maqolalar/691-maqola.html>.
7. Абдурауф Фитрат «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» 2-қисм // - Т.: «Маънавият». 2000. – Б.55. [www.ziyouz.com.Kutubxonasi](http://www.ziyouz.com.Kutubxonasi).
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли фармони фармони. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон –2030 стратегияси” тўғрисидаги ПФ-158 фармони. [www.uza.uz](http://www.uza.uz).
10. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табриги. (2023 йил 1 октябрь )[www.uza.uz](http://www.uza.uz).

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим-тарбия уйғунлиги Учинчи Ренессансни барпо этишнинг муҳим воситаси сифатида кўриб чиқилади. Мақолада ёшларда таълим ва тарбия айри ҳолда эмас аксинча уйғун олиб борилиши асослантирилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается гармония в образовании как важное средство построения третьего Ренессанса. Статья основана на том факте, что образование и воспитание молодежи осуществляются гармонично, а не раздвоенно.

#### SUMMARY

The article examines educational harmony as an important means of building a third Renaissance. The article is based on the fact that education and upbringing in young people are carried out harmoniously rather than without a fork.